

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**615 Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш
ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
10 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2738*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 23 декабрдаги 327-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни жорий этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархлар қайта кўриб чиқилиб, улар иловага мувофиқ миқдорларда белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 5 декабрдаги 80, 2014-36-сон «Алкоголли маҳсулотлар учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана нархларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2632, 2014 йил 9 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 50-сон, 599-модда) ўз қучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарор 2016 йил 1 январдан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 декабрь,
102-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 декабрь,
2015-34-сон

49 (705)-сон

— 85 —

615, 617-моддалар

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2015 йил 3 декабрдаги
102, 2015-34-сон қарорига
ИЛОВА

Алкоголли маҳсулотлар*
учун энг кам улгуржи-сотиш ва чакана
НАРХЛАР

Сотилаётган товарнинг номи	Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг энг кам улгуржи-сотиш нархи	Энг кам чакана нарх
Вино, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	4500	5400
Коньяк, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	13900	16700
Ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар, 1 литр тайёр маҳсулот учун сўм ҳисобида	10500	12600

* Пиводан ташқари.